

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЧАРШАНБИЕВ УМУРЗОҚ ЮЛДАШЕВИЧ

**ҒЎЗА ДАЛАЛАРИДАГИ БИР ВА КЎП ЙИЛЛИК БЕГОНА ЎТЛАРГА
ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.01-Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

УЎТ: 633.51+631.512/526.32+63.95

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural
sciences**

Чаршанбиев Умурзоқ Юлдашевич

Вўза далаларидаги бир ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши
кураш тадбирларини ишлаб чиқиш.....3

Чаршанбиев Умурзоқ Юлдашевич

Разработка мер борьбы против однолетних и многолетних сорняков в
посевах хлопчатника.....21

Charshanbiyev Umurzoq Yuldashevich

Working out of measures against annual and perennial weeds
in cotton plant fields.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЧАРШАНБИЕВ УМУРЗОҚ ЮЛДАШЕВИЧ

**ҒЎЗА ДАЛАЛАРИДАГИ БИР ВА КЎП ЙИЛЛИК БЕГОНА ЎТЛАРГА
ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.01-Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx197 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида (ТошДАУ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилади.

Илмий раҳбар: **Мўминов Комил Мўминович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ўразматов Назир**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Ҳайдаров Ақром
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2018 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел. (+99895) 142-22-35, факс: (+99871) 150-61-34; E-mail: g.selek@qsv.uz).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел. (+99895) 142-22-35, факс: (+99871) 150-61-34.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Б.М.Халиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис
ўринбосари, қ.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг 84 та мамлакатада 33 млн. гектар майдонда пахта етиштирилиб, ҳар йили 25 миллион тонна атрофида ҳосил олинмоқда. Дунё деҳқончилигида 3000 дан ортиқ турдаги бегона ўтлар тарқалган ва улардан 1800 тури жуда катта иқтисодий зарар келтириб, шулардан 200 дан ортиқ тури асосий қишлоқ хўжалик экинлари билан кучли рақобатда бўлади. Уларга қарши агротехникавий ва кимёвий кураш тадбирларини уйғунлашган ҳолда олиб бориш натижасида АКШ, Бразилия, Австралия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Жанубий Корея, Россия ва бошқа бир қатор давлатларда юқори натижаларга эришилмоқда.¹

Дунёда пахта етиштириладиган мамлакатларида бегона ўтларга қарши тупроққа юза ишлов бериш, гербицидларни шудгорлашдан олдин ва чигитни экиш билан бирга қўллаш, ерни 22-25 см чуқурликда шудгорлаш ва гербицидларни чигитни экиш билан биргаликда қўллаш, ҳар 2-3 йилда бир марта чуқур (32-35 см) шудгорлаш ҳамда гербицидларни экишдан олдин ва ёзани шоналаш даврида қўлланиши натижасида гектаридан 5-6 центнер қўшимча пахта ҳосили олинishi аниқланган. Пахта етиштириладиган майдонларни фитосанитар ҳолатини биргина агротехник тадбирлар билан яхшилашга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, ерга ҳар хил усулларда ишлов бериш ва гербицидларни кетма-кет ва навбатлаб қўллаш бўйича изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамызда ёза етиштириш агротехнологиясини такомиллаштиришда қўлланилаётган самарали гербицидларни агрофитоценозни фитосанитар ҳолатига таъсири ҳамда тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини оширишни таъминловчи тупроққа асосий ишлов бериш усуллари бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳимдир. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «3.3... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий агротехнологияларни жорий этиш» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан, пахта далаларида тарқалган бегона ўтларга қарши курашда тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва замонавий гербицидларни кетма-кет ва навбатлаб қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш ҳамда амалиётга кенг жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сон «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш чора тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 14 январдаги 25-сон «Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан янада

¹. <http://www.icar.org.in>; <http://www.agric.gov.ob.ca>; <http://www.global.com>

самарали фойдаланиш ва кўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика Фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаимизнинг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган турли тупроқ-иқлим шароитида пахтазорларда тарқалган бегона ўтларнинг систематикаси, биологияси, оила ва турларини ўрганиш бўйича (В.А.Буригин, Ф.Джангуразов, П.А.Гомолицкий), уларга қарши агротехник (Б.Собиров, В.Кондратюк, З.Насиров, А.Жўракулов, З.Турсунхўжаев, М.Мухаммаджонов, Қ.Мирзажонов, Б.Баҳромов, Ф.Хасанова, Р.Рўзиметов) ва кимёвий (Б.Алеев, М.Лазоватская, Р.Тиллаев, А.Сағдуллаев, Н.Халилов, Я.Бўриев, Б.Холманов, М.Шодманов, А.Юлдашев, Н.Турдиева, С.Суллиева, Ш.Ризаев) кураш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Лекин, Тошкент вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида етиштириладиган пахтадан юқори ва сифатли ҳосили олишда, унинг бегона ўтларига қарши тупроқни икки ярусли плугда шудгорлаш, гербицидларни кетма-кет, навбатлаб қўллашдаги меъёрларининг таъсири бўйича етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ДИТД-7 «Ер, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва сақлаш, ҳайдаладиган ерларда тупроқ унумдорлиги ва мелиоратив жараёнларини бошқаришнинг экологик соф ва юқори самарадор технологияларини яратиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳавфсизлик муаммоларини ҳал этиш» (2005-2010 йй.) ҳамда ДИТД-9: «Тупроқлар экологиясини ўрганиш, унумдорлигини ошириш, экин навларини тадқиқ қилиш ва уларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш» (2011-2015 йй.) мавзусидаги илмий-амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида, ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши курашда ерни шудгорлаш усуллари ва таъсир доираси ҳар хил бўлган гербицидларни кетма-кет, навбатлаб қўллаш ҳисобига ғўзадан юқори ҳамда сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида тупроққа ишлов бериш усуллари ва гербицидларнинг тупроқ агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши оддий ва икки ярусли плугда шудгорланган ерларда Самурай 33% э.к. гербицидини мақбул меъёрини аниқлаш;

Самурай 33 % э.к ва Зеллек супер 10,4 % э.к. гербицидларини кетма-кет қўллашнинг бегона ўтларга таъсирини баҳолаш;

ғўза парваришланаётган далалардаги бегона ўтларга қарши Самурай 33 % э.к. ва Трифлурекс 48 % э.к. гербицидларини навбатлаб қўллашнинг таъсирини аниқлаш;

оддий ва икки ярусли плугда шудгорланган ерларда бегона ўтларга қарши қўлланилган гербицидларнинг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

агротехник ва кимёвий тадбирларнинг пахта хом-ашёсининг технологик хоссаларига таъсирини баҳолаш;

оддий ва икки ярусли плугда шудгорланган ерларда бегона ўтларга қарши қўлланилган гербицидларнинг пахта етиштиришдаги самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятининг суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари, оддий ва икки ярусли плугда шудгорлаш, ғўзанинг С-6524 нави, Самурай 33 % э.к., Стомп 33 % э.к., Которан 80 % э.к., Трифлурекс 48 % э.к., Зеллек супер 10,4 % э.к. гербицидлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб бир ва кўп йиллик бегона ўтлар, тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссалари, гербицидларнинг мақбул меъёри, кетма-кет ва навбатлаб қўллаш, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, пахта ҳосили ва тола сифатига таъсирини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотларда ғўза бўйича кузатув, ўлчов ва таҳлиллар умум қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником» каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилган. Тажрибаларда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услуби бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ғўза далаларидаги бир йиллик бегона ўтларга қарши курашда Самурай 33% э.к. гербицидининг мақбул меъёри ва унинг бегона ўтларга таъсири аниқланган;

оддий ва икки ярусли плугда шудгорланган ерда, таъсир доираси ҳар хил бўлган гербицидларни кетма-кет қўллашнинг ғўза далаларидаги бегона ўт турларига таъсири аниқланган;

Самурай 33% э.к. ва Трифлурекс 48% э.к. гербицидларини навбатлаб қўллашнинг ғўза далаларидаги бир йиллик бегона ўтларнинг турларига таъсири аниқланган;

ерни икки ярусли плугда 30 см чуқурликда шудгорлаш Самурай 33% э.к. гербицидини (1,5 л/га) ва Самурай 33% э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4% э.к. (1,0 л/га) гербицидларини кетма-кет қўлланилганда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

оддий ва икки ярусли плугда шудгорланган ерларда бегона ўтларга қарши Самурай 33% э.к. препаратини мақбул меъёрининг Самурай 33% э.к. билан Зеллек супер 10,4% к.э. гербицидларини кетма-кет қўллашнинг Самурай 33% э.к. ва Трифлурекс 48% э.к. гербицидларини навбатлаб қўллашнинг самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тошкент вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ерни икки ярусли плугда 30 см чуқурликда шудгорлаш тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларини яхшилаб, пахта далаларидаги бир йиллик бегона ўтлар сонини 22,6-28,0 %, кўп йиллик бегона ўтларни 17,4-20,6 % камайишини таъминланган.

Ерларни икки ярусли плугда 30 см чуқурликда шудгорлаб, Самурай 33 % э.к. гербициди 1,5 л/га меъёрида қўлланилганда бир йиллик бегона ўтларни 86,7-90,4 %, Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4% э.к. (1,0 л/га) гербицидларини кетма-кет қўллаш бир йиллик бегона ўтларни 90,0-92,7 %, кўп йилликларни 89,9-93,7 % ҳамда Самурай гербицидидан кейин Трифлурекс 48 % э.к.ни 1,5 л/га меъёрида қўллаш, бир йиллик бегона ўтларни 87,1-89,4 % ва Трифлурексдан кейин Самурай 33 % э.к. 1,5 л/га меъёрида навбатлаб қўллаш, бир йилликларни 87,9-88,2 % камайишига эришилган.

Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4 % э.к. (1,0 л/га) гербицидлари кетма-кет қўлланилганда пахтадан 4,0-5,4 ц/га қўшимча ҳосил олиниб, соф фойданинг кўпайиши 390631,6-496102,9 сўм/га ни, рентабеллик даражаси 42,7-46,1 % га ошган. Самурайдан кейин Трифлурекс 48 % э.к. 1,5 л/га меъёрида, Трифлурексдан кейин Самурай 33 % э.к. 1,5 л/га меъёрида навбатлаб қўлланилганда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши учун қулай шароит яратилиб, қўшимча пахта ҳосилини 4,0-4,3 ц/га юқори бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижаларининг республика ва хорижий давлатлар тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар асосида тайёрланган ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва Халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида пахта майдонларидаги бегона ўтларга қарши Самурай

33 % э.к. гербицидининг мақбул меъёрини аниқлаш, оддий ва икки ярусли плугда шудгорлаш усуллари ҳамда таъсир доираси ҳар хил бўлган гербицидларнинг кетма-кет ва навбатлаб қўллашнинг тупроқ агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига, бегона ўт турлари, микдорига таъсир этиш механизми илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида пахта далаларидаги бир йиллик бегона ўтларга қарши Самурай 33 % э.к. гербицидини 1,5 л/га меъёрда қўллаш, бир ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши ерни икки ярусли плугда шудгорлаш ва Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4 % э.к. (1,0 л/га) гербицидларини кетма-кет, Самурайдан кейин Трифлурекс 48 % э.к. 1,5 л/га, Трифлурексдан кейин Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) гербицидини навбатлаб қўллаш эвазига пахтадан сифатли ва юқори ҳосил (31,3-32,8 ц/га) олишдан иборат бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёўза майдонларидаги бир ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши шудгорлаш усуллари ва гербицидларни қўллаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

Пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши ерни икки ярусли шудгорлаш ва гербицидларни кетма-кет қўллаш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 15 майдаги 02/023-39-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида бегона ўтларга қарши курашишда қўлланма сифатида хизмат қилган;

ерни икки ярусли плугда (30 см чуқурликда) шудгорлаш ва гербицидларни (Самурай 33% э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4% э.к. (1,0 л/га)) кетма-кет қўллаш агротехнологиялари Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани фермер хўжаликларида 102 гектар, Юқори Чирчиқ тумани фермер хўжаликларида 40 гектар ва Қуйи Чирчиқ тумани фермер хўжаликларида 51 гектар жами 193 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 15 майдаги 02/023-39-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ерни икки ярусли плугда шудгорлаб, Самурай 33% э.к. 1,5 л/га меъёрда бир йиллик бегона ўтларга қарши қўлланилганда 81,7-86,0 фоизга камайган ҳамда Самурай 33% э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4% э.к. (1,0 л/га) гербицидлари кетма-кет қўлланилганда бир йиллик бегона ўтлар 88,8-92,0 фоиз, кўп йиллик бегона ўтлар 85,9-90,6 фоизга камайган, гектаридан 1,2-6,6 центнер қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

пахта далаларидаги ҳар хил биологик хусусиятга эга бўлган бир йиллик бегона ўтларнинг гербицидларга нисбатан чидамлилигини ошиб боришининг олдини олиш учун таъсир доираси ҳар хил бўлган гербицидларни (Самурайдан кейин Трифлурекс 48 % э.к. гербицидини (1,5 л/га), Трифлурексдан кейин Самурай 33 % э.к. гербицидини (1,5 л/га)) навбатлаб қўллаш технологияси Ўрта Чирчиқ тумани фермер хўжаликларида 56 гектар,

Юқори Чирчиқ тумани фермер хўжаликларида 25 гектар ва Қуйи Чирчиқ тумани фермер хўжаликларида 36 гектар жами 117 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 15 майдаги 02/023-39-сон маълумотномаси). Натижада Самурайдан кейин Трифлурекс 48% э.к. гербицидини 1,5 л/га меъёрда, Трифлурексдан кейин Самурай 33% э.к. гербицидини 1,5 л/га меъёрда навбатлаб қўлланганда бир йиллик бегона ўтлар 88,1-90,1 фоизга камайган ва гектаридан 3,6-4,8 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ТошДАУ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, ҳисоботлар университетнинг илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республикада ва Халқаро илмий анжуманларда 6 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблилиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бегона ўтларнинг зарари, уларга қарши кураш чоралари бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбаларнинг шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий олимларнинг ўтказган илмий-тадқиқотлардан олинган натижалари, хулоса ва фикрлар таҳлили батафсил ёритилган. Қишлоқ хўжалик экинлари орасидаги бегона ўтларнинг турлари, экин майдонларига келтирадиган зарари, тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хусусиятларига таъсири ва уларга қарши кураш тадбирлари баён этилган. Кейинги йилларда бегона ўтларга қарши курашда гербицидларнинг таъсири бўйича кўплаб илмий-тадқиқотлар ўтказилган. Лекин, ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши ер ҳайдаш усуллари ва гербицидларни

кетма-кет ва навбатлаб қўллаш бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича ўтказилмаганлиги сабабли, ушбу йўналишда илмий изланишларни давом эттириш зарурлиги ҳақида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароити, услубияти ва пахта етиштириш агротехникаси» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот услублари ҳамда тажриба даласида учрайган асосий бегона ўтлар, уларга қарши қўлланилган гербицидлар тавсифи батафсил баён қилинган. Тошкент вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари механик таркибига кўра асосан оғир қумоқ, сизот сувлари 1,2-2,5 метр чуқурликда жойлашган, гумус миқдори 0-30 см қатламда 1,3 %, умумий азотмиқдори 0,120 %, фосфор 0,150 %, калий 1,50 % ни ва уларнинг ҳаракатчан шакллари миқдори $N-NO_3$ 27,3 мг/кг, P_2O_5 33,8 мг/кг, K_2O миқдори эса 125 мг/кг ни ташкил этиб, тажриба ўтказилган ерларнинг тупроғи нитратли азот миқдори бўйича ўртача, ҳаракатчан фосфор билан ўртача ва калий билан кам таъминланганлиги келтирилган.

Воҳанинг иқлими кескин ўзгарувчан, қиши қисқа бўлиб, 1,5-2,0 ой давом этади. Январь ойининг ўртача ҳаво ҳарорати $-3^{\circ}C$ дан $-11^{\circ}C$ гача, аммо тоғ олди ва текислик минтақаларида абсолют паст ҳарорат $-30^{\circ}C$ дан $-33^{\circ}C$ гача, баъзи жойларда $-35^{\circ}C$ гача этади. Ёзда ҳароратнинг юқорилиги билан ажралиб туради. Июл ойининг ўртача ҳарорати $+27-28^{\circ}C$, абсолют юқори ҳарорат $+44-46^{\circ}C$ гача етиб, кўпчилик туманларда самарали ҳарорат йиғиндиси $4400-4700^{\circ}C$ ни, атмосфера ёғинларининг миқдори ҳудуднинг суғориладиган ерларида йиллар бўйича 250-400 мм ни ташкил этади. Ёғингарчиликнинг асосий қисми март ва апрел ойларида кузатилиб, ёз ойларида деяри ёғингарчилик кузатилмайди.

Тупроқнинг агрокимёвий хоссаларини аниқлашда тупроқ кесмаси қазиб, қатламлар бўйича намуна вегетация бошида ва охирида олинди. Гумус И.В.Тюрин усулида, ялпи азот ва умумий фосфор И.М.Мальцева ва Л.Ц.Гриценко усулларида, калий миқдори П.В.Протасов усулида аниқланди.

Тупроқдаги озик моддаларни ҳаракатчан шакллари ($N-NO_3$, P_2O_5 , K_2O) динамикаси ўрганилди. Бунинг учун тупроқнинг 0-30, 30-50 см қатламларидан намуналар олинди, азот-нитрат (Гранвальд-Ляжу усулида), ҳаракатчан фосфор (Б.П.Мачигин усулида), алмашинувчан калий оловли фотометрда (П.В.Протасов усулида), тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги экишдан олдин ва амал даврининг охирида вариантлар бўйича цилиндр усулида Качинский бўйича аниқланди.


Чигит экишдан олдин Трифлурекс гербициди тупроққа сепилиб тезда бороналаниб кўмилди, Стомп, Самурай ва Которан гербицидлари чигит экиш билан биргаликда сепилди. Бир ва кўп йиллик бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда Зеллек супер гербициди қўлланилди, бегона ўтлар сони ҳар суғоришдан кейин ҳисобга олинди. Ғўзани бегона ўтлари ҳар бир вариантда белгилаб қўйилган майдончаларда тўғри тўртбурчак шаклида 1 м^2 ҳисобида аниқ усулда ҳисобга олинди.

Дала тажрибаларида ғўза парваришидаги барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилган ва тадқиқот объекти сифатида олинган гербицидлар


тавсифи келтирилган. Олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги Б.А.Доспеховнинг дисперсион усулида математик-статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Ерни икки ярусли плугда ҳайдаш ва гербицидлар қўлланилганда тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари**» деб номланган учинчи бобида ерни шудгорлаш усулларини (2007-2010 йй.) тупроқнинг ҳажмий массаси ва ғоваклигига таъсири, тупроқдаги гумус ва умумий NPK ҳамда ҳаракатчан азот, фосфор ва алмашинувчан калий миқдорларининг ўзгариши бўйича маълумотлар берилган. Амал даври бошида тупроқдаги гумус миқдори назорат ва тажриба вариантларида 1,29-1,30 % бўлиб, амал даври охирида бир оз камайган (0,03 %), амал даври бошида назорат вариантыда N-NO₃-27,0 мг/кг, энг яхши вариантда эса 28,9 мг/кг га тенг бўлган. Ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий миқдори ҳам тажриба вариантларида назорат вариантига нисбатан бир мунча юқори бўлган. Вариантлар орасидаги бу фарқ амал даври охирида ҳам сақланиб қолганлиги аниқланди.

Оддий плугда 30 см чуқурликда шудгорланганда амал даври бошида 0-10; 10-20; 20-30 ва 30-50 см қатламларда тупроқнинг ҳажм массаси мос равишда 1,32; 1,33; 1,32 ва 1,35 г/см³, тупроқнинг ғоваклиги 49,2; 48,8; 49,2 ва 48,1 % бўлган бўлса, икки ярусли плугда 30 см чуқурликда шудгорланган ерда тупроқнинг ҳажм массаси мос равишда 1,30; 1,31; 1,31 ва 1,33 г/см³, ғоваклик эса 50,0; 49,6; 49,6 ва 48,8 % бўлди (1 ва 2-расмлар).



1-расм. Шудгорлаш усулларининг тупроқ ҳажмий массаси таъсири, (2007 й.)



2-расм. Шудгорлаш усулларининг тупроқ ғоваклигига таъсири, (2007 й.)

Амал даври охирида тупроқнинг агрофизик хоссаларининг ўзгариши оддий плугда 30 см чуқурликда шудгорланганда 0-10; 10-20; 20-30 ва 30-50

см қатламларда тупроқнинг ҳажм массаси мос равишда 1,36; 1,37; 1,37 ва 1,38 г/см³, тупроқнинг ғоваклиги 47,7; 47,3; 47,3 ва 46,9 %, икки ярусли плугда 30 см шудгорланган ерда тупроқнинг ҳажм массаси қатламларга мос равишда 1,34; 1,34; 1,35 ва 1,35 г/см³, ғоваклик эса 48,5; 48,5; 48,1 ва 48,1 % бўлганлиги, амал даври бошига нисбатан амал даври охирига келиб, ҳажм масса ва ғовакликни қисман камайганлиги аниқланди (1 ва 2-расмлар).

Диссертациянинг «Шудгорлаш усуллари ва гербицидларни қўллаш усуллари

нинг бегона ўтларга, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида Тошкент вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида бир йиллик бегона ўтларга қарши Самурай 33% э.к. гербицидини қўллашнинг мақбул меъёрини аниқлаш ва Самурай 33 % э.к. билан Зеллек супер 10,4 % э.к. гербицидларини кетма-кет, Самурай 33% э.к. ва Трифлурекс 48 % э.к. гербицидларини навбатлаб қўллашнинг бир ва кўп йиллик бегона ўтларга, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ҳамда толанинг сифат кўрсаткичларига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Тажриба даласида бир йиллик бегона ўтлардан курмак, олабута, ёввойи гултожихўроз, итузум, семиз ўт ва қўйतिकан, кўп йиллик бегона ўтлардан ғумай, ажриқ, қўйпечак кабилар учраши кузатилиб, бегона ўтлар биринчи, иккинчи ва учинчи суғоришдан кейин ҳисобга олинди. Биринчи дала тажрибасида (2007-2010 йй.) оддий плугда шудгорланган ерда 1-ҳисоб даврида назорат (гербицидсиз) вариантыда бир йиллик бегона ўтлар сони 3 йилда ўртача 31,9 дона/м² бўлган бўлса, гербицидлар қўлланилган вариантларда уларнинг сони назорат вариантыга нисбатан сезиларли даражада камайган. Самурай 33% э.к. препарати 1,0; 1,5 ва 2,0 л/га меъёрларда қўлланилганда бир йиллик бегона ўтлар мос равишда 82,8; 85,7 ва 87,1 % камайиб, Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4 % э.к. (1,0 л/га) кетма-кет қўлланилган вариантда бу кўрсаткич 89,8 % га тенг бўлди (1-жадвал).

Самурай 33 % э.к. гербициди кўп йиллик бегона ўтларнинг фақат уруғларидан чиққанларига таъсир қилган. Кўп йиллик бегона ўтлар назорат вариантыда 3,15 дона/м² ни ташкил қилган. Самурай 33 % э.к. гербициди 1,0; 1,5 ва 2,0 л/га қўлланилган вариантларда бегона ўтларни 11,1; 19,0; 20,6 % камайтирган бўлса, Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4 % э.к. (1,0 л/га) гербицидлари кетма-кет қўлланилганда эса 88,9 % камайган.

Ер икки ярусли плугда шудгорланган, гербицидсиз вариантда бир йиллик бегона ўтлар оддий плугда шудгорланган майдонларда гербицидсиз назорат вариантыга нисбатан бир йиллик бегона ўтлар 30,9 %, кўп йиллик бегона ўтлар 20,6 % камайган. Бегона ўтларни камайиши бўйича энг юқори кўрсаткичлар, Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4 % э.к. (1,0 л/га) гербицидлари кетма-кет қўлланилганда кузатилиб, бир йилликлар 92,7 %, кўп йиллик бегона ўтлар эса 93,7 % камайганлиги қайд этилган. Самурай 33 % э.к. гербициди 1,5 л/га меъёрда алоҳида қўлланилганда эса, бу кўрсаткичлар мос равишда 85,7 ва 19,0 % ни ташкил этган (1-жадвал).

Шудгорлаш усуллари ва гербицидларнинг бегона ўтлар турларига таъсири 1-хисоб; 5-11 июн 2007-2010 йй.)

| № | Вариантлар | Гербицид меъёри, л/га | Бир йиллик бегона ўтлар | | | | | | Кўп йиллик бегона ўтлар | | | |
|-----|---|-----------------------------|-------------------------|---------------------|---------------------|----------------------------|---------------------|----------------------|-------------------------|---------------------|---------------------|---------------------|
| | | | қора қурмак | олаб ута | итуз ум | ёввойи гултожи хўроз | семизўт | жами | ғумай | ажрик | қўйпечак | жами |
| 1. | Назорат (гербицидсиз) | - | <u>13,2</u> - | <u>5,05</u> - | <u>3,95</u> - | <u>5,50</u> - | <u>4,20</u> - | <u>31,9</u> - | <u>1,25</u> - | <u>1,05</u> - | <u>0,85</u> - | <u>3,15</u> - |
| 2. | Стомп 33% э.к. | 2,0 | <u>1,55</u> 88,3 | <u>0,80</u> 84,2 | <u>0,65</u> 83,5 | <u>1,0</u> 81,8 | <u>0,75</u> 82,1 | <u>4,75</u> 85,1 | <u>1,05</u> 16,0 | <u>0,90</u> 14,3 | <u>0,70</u> 17,6 | <u>2,65</u> 15,9 |
| 3. | Самурай 33% э.к. | 1,0 | <u>2,00</u> 84,8 | <u>1,15</u> 77,2 | <u>0,75</u> 81,0 | <u>1,05</u> 80,9 | <u>1,05</u> 75,0 | <u>6,00</u> 81,2 | <u>1,10</u> 12,0 | <u>0,95</u> 9,5 | <u>0,75</u> 11,8 | <u>2,80</u> 11,1 |
| 4. | Самурай 33% э.к. | 1,5 | <u>1,55</u> 88,3 | <u>0,85</u> 83,2 | <u>0,55</u> 86,1 | <u>0,80</u> 85,5 | <u>0,80</u> 81,0 | <u>4,55</u> 85,7 | <u>1,05</u> 16,0 | <u>0,85</u> 19,0 | <u>0,65</u> 23,5 | <u>2,55</u> 19,0 |
| 5. | Самурай 33% э.к. | 2,0 | <u>1,40</u> 89,4 | <u>0,70</u> 86,1 | <u>0,50</u> 87,3 | <u>0,80</u> 85,5 | <u>0,70</u> 83,3 | <u>4,10</u> 87,1 | <u>1,00</u> 20,0 | <u>0,80</u> 23,8 | <u>0,70</u> 17,6 | <u>2,50</u> 20,6 |
| 6. | Зеллек супер 10,4% э.к. | 1,0 | <u>5,50</u> 58,3 | <u>4,20</u> 16,8 | <u>3,30</u> 16,5 | <u>5,15</u> 6,4 | <u>3,55</u> 15,5 | <u>21,7</u> 32,0 | <u>0,25</u> 80,0 | <u>0,20</u> 81,0 | <u>0,15</u> 82,4 | <u>0,60</u> 81,0 |
| 7. | Самурай 33% э.к. +Зеллек супер 10,4% э.к. | 1,5+1,0 | <u>1,05</u> 92,0 | <u>0,65</u> 87,1 | <u>4,00</u> 89,9 | <u>0,60</u> 89,1 | <u>0,55</u> 86,0 | <u>3,25</u> 89,8 | <u>0,15</u> 88,0 | <u>0,10</u> 90,5 | <u>0,10</u> 88,2 | <u>0,35</u> 88,9 |
| 8. | Назорат (гербицидсиз) | - | <u>8,80</u> 33,3 | <u>3,75</u> 25,7 | <u>2,75</u> 30,4 | <u>4,00</u> 27,3 | <u>2,75</u> 34,5 | <u>22,05</u> 30,9 | <u>1,00</u> 20,0 | <u>0,85</u> 19,0 | <u>0,65</u> 23,5 | <u>2,50</u> 20,6 |
| 9. | Стомп 33% э.к. | 2,0 | <u>1,30</u> 90,2 | <u>0,60</u> 88,1 | <u>0,30</u> 92,4 | <u>0,70</u> 87,3 | <u>0,45</u> 89,3 | <u>3,35</u> 89,5 | <u>0,80</u> 36,0 | <u>0,70</u> 33,3 | <u>0,55</u> 35,3 | <u>2,05</u> 34,9 |
| 10. | Самурай 33% э.к. | 1,0 | <u>1,55</u> 88,3 | <u>0,75</u> 85,1 | <u>0,50</u> 87,3 | <u>0,80</u> 85,5 | <u>0,50</u> 88,1 | <u>4,10</u> 87,1 | <u>0,85</u> 32,0 | <u>0,75</u> 28,6 | <u>0,60</u> 29,4 | <u>2,20</u> 31,2 |
| 11. | Самурай 33% э.к. | 1,5 | <u>1,28</u> 90,3 | <u>0,50</u> 90,1 | <u>0,35</u> 91,1 | <u>0,50</u> 90,9 | <u>0,40</u> 90,3 | <u>3,05</u> 90,4 | <u>0,80</u> 36,0 | <u>0,65</u> 38,1 | <u>0,55</u> 35,3 | <u>2,00</u> 36,5 |
| 12. | Самурай 33% э.к. | 2,0 | <u>1,20</u> 90,9 | <u>0,45</u> 91,1 | <u>0,25</u> 93,7 | <u>0,55</u> 90,0 | <u>0,30</u> 92,9 | <u>2,75</u> 91,4 | <u>0,75</u> 40,0 | <u>0,60</u> 42,9 | <u>0,45</u> 47,1 | <u>1,80</u> 42,9 |
| 13. | Зеллек супер 10,4% э.к. | 1,0 | <u>4,80</u> 63,6 | <u>3,55</u> 29,7 | <u>2,50</u> 36,7 | <u>4,00</u> 27,3 | <u>2,95</u> 29,8 | <u>17,8</u> 44,2 | <u>0,15</u> 88,0 | <u>0,10</u> 90,5 | <u>0,05</u> 94,1 | <u>0,30</u> 90,5 |
| 14. | Самурай 33% э.к. +Зеллек супер 10,4% э.к. | 1,5+1,0 | <u>1,00</u> 92,4 | <u>0,40</u> 92,1 | <u>0,20</u> 94,5 | <u>0,40</u> 92,7 | <u>0,33</u> 92,1 | <u>2,33</u> 92,7 | <u>0,10</u> 92,0 | <u>0,05</u> 95,2 | <u>0,05</u> 94,1 | <u>0,20</u> 93,7 |

Изох: суратида дона/м², махражида камайиши %

Оддий плугда ҳайдалган майдонларда 1-ҳисобда назорат (гербицидсиз) вариантида бир йиллик бегона ўтларнинг қуруқ массаси ўртача 29,5 г/м² бўлган бўлса, гербицидлар қўлланилган вариантларда 2,66-24,2 г/м² га тенг бўлган ёки назорат вариантга нисбатан 18,0-91,0 % камайганлиги ҳисобга олинган. Самурай 33 % э.к. гербициди 1,0; 1,5 ва 2,0 л/га меъёрларда қўлланилганда, бегона ўтлар қуруқ массасини мос равишда 80,3; 87,0 ва 89,5 % га, Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4 % э.к. (1,0 л/га) кетма-кет қўлланилганда эса, бу кўрсаткичлар 2,66 г/м² ни ёки 91,0 % ни ташкил этган (2-жадвал).

Кўп йиллик бегона ўтларнинг қуруқ массаси назорат вариантида 4,50 г/м² ни ташкил қилган бўлса, Стомп 33 % э.к. (2,0 л/га) ва Самурай 33 % э.к. (2,0 л/га) гербицидлари қўлланилган вариантларда, уларнинг қуруқ массаси 13,3-17,1 % гача камайган бўлса, Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4 % э.к. (1,0 л/га) гербицидлари кетма-кет қўлланилганда эса, 90,0 % камайганлиги аниқланди (2-жадвал).

Шудгорлаш икки ярусли плугда ўтказилганда, гербицидсиз 8-вариантда 25,4 % камайган бўлса, гербицидлар қўлланилган вариантларда назорат вариантга нисбатан 30,0-93,3 % камайган. Энг юқори кўрсаткичлар Самурай 33 % э.к. 1,5; 2,0 л/га (36,0; 37,8 %) қўлланилганда (36,0; 37,8 %) ва Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4 % э.к. (1,0 л/га) гербицидлари кетма-кет қўлланилганда (93,3 %) кузатилган (2-жадвал).

Шудгорлаш усуллари ва гербицидларнинг бегона ўтлар қуруқ массасига таъсири, (ўртача 2007-2010 йй.)

| № | Вариантлар | Гербицид меъёри, л/га | Бир йиллик бегона ўтлар | | | | | | Кўп йиллик бегона ўтлар | | | | | |
|--|---|-----------------------------|-------------------------|--------------------|-----------------------|--------------------|----------------------------|------------------------|-------------------------|--------------------|-----------------------|--------------------|----------------------------|--------------------|
| | | | 1-ҳисоб (5-11. VI) | | 2-ҳисоб (4-8. VII) | | 3-ҳисоб (28.VII-3.VIII) | | 1-ҳисоб (5-11. VI) | | 2-ҳисоб (4-8. VII) | | 3-ҳисоб (28.VII-3.VIII) | |
| | | | г/м ² | камай иши, % | г/м ² | камай иши, % | г/м ² | кам айи ши, % | г/м ² | камай иши, % | г/м ² | камай иши, % | г/м ² | камай иши, % |
| Оддий плугда (30 см чуқурликда) шудгорланган | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Назорат (гербицидсиз) | - | 29,5 | - | 20,4 | - | 15,5 | - | 4,50 | - | 3,75 | - | 2,90 | - |
| 2. | Стомп 33% э.к. | 2,0 | 4,50 | 85,8 | 3,50 | 82,8 | 2,80 | 82,0 | 3,75 | 16,7 | 3,25 | 13,3 | 2,60 | 10,3 |
| 3. | Самурай 33% э.к. | 1,0 | 5,80 | 80,3 | 4,50 | 78,0 | 3,72 | 76,0 | 3,90 | 13,3 | 3,34 | 10,9 | 2,63 | 9,0 |
| 4. | Самурай 33% э.к. | 1,5 | 3,84 | 87,0 | 3,26 | 84,0 | 2,60 | 83,2 | 3,80 | 15,6 | 3,22 | 14,1 | 2,55 | 12,0 |
| 5. | Самурай 33% э.к. | 2,0 | 3,10 | 89,5 | 2,65 | 87,0 | 2,33 | 85,0 | 3,73 | 17,1 | 3,18 | 15,2 | 2,52 | 13,0 |
| 6. | Зеллек супер 10,4% э.к. | 1,0 | 24,2 | 18,0 | 17,3 | 15,0 | 13,5 | 12,9 | 0,60 | 86,5 | 0,60 | 84,0 | 0,55 | 81,0 |
| 7. | Самурай 33% э.к. +Зеллек супер 10,4% э.к. | 1,5+1, 0 | 2,66 | 91,0 | 2,45 | 88,0 | 2,17 | 86,0 | 0,45 | 90,0 | 0,40 | 89,3 | 0,35 | 87,9 |
| Икки ярусли плугда (30 см чуқурликда) шудгорланган | | | | | | | | | | | | | | |
| 8. | Назорат (гербицидсиз) | - | 21,2 | 28,0 | 15,3 | 25,0 | 12,0 | 22,6 | 3,35 | 25,4 | 2,90 | 22,7 | 2,35 | 19,0 |
| 9. | Стомп 33% э.к. | 2,0 | 3,40 | 88,5 | 3,05 | 85,0 | 2,50 | 83,9 | 2,90 | 35,6 | 2,55 | 32,0 | 2,06 | 29,0 |
| 10. | Самурай 33% э.к. | 1,0 | 4,80 | 83,7 | 3,70 | 81,9 | 3,10 | 80,0 | 3,15 | 30,0 | 2,70 | 28,0 | 2,15 | 25,9 |
| 11. | Самурай 33% э.к. | 1,5 | 2,83 | 90,4 | 2,50 | 87,8 | 2,20 | 85,8 | 2,88 | 36,0 | 2,50 | 33,3 | 2,03 | 30,0 |
| 12. | Самурай 33% э.к. | 2,0 | 2,36 | 92,0 | 2,00 | 90,2 | 1,80 | 88,4 | 2,80 | 37,8 | 2,46 | 34,4 | 2,00 | 31,0 |
| 13. | Зеллек супер 10,4% э.к. | 1,0 | 18,0 | 39,0 | 13,9 | 31,9 | 11,2 | 27,7 | 0,46 | 89,3 | 0,42 | 88,8 | 0,40 | 86,2 |
| 14. | Самурай 33% э.к. +Зеллек супер 10,4% э.к. | 1,5+1, 0 | 1,77 | 94,0 | 1,43 | 93,0 | 1,70 | 89,0 | 0,30 | 93,3 | 0,27 | 92,8 | 0,25 | 91,4 |
| Изоҳ: 1-ҳисоб: 1-чи суғоришдан кейин; 2-ҳисоб: 2-чи суғоришдан кейин; 3-ҳисоб: 3-чи суғоришдан кейин. | | | | | | | | | | | | | | |

Шундай қилиб, ерни оддий плугда шудгорланганга нисбатан, икки ярусли плугда шудгорлаш ҳамда гербицидларни кетма-кет қўллаш бир йиллик бегона ўтларни 89,5-92,7 %, кўп йилликларни эса 34,9-93,7 % камайтириб, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратилган.

2007-2010 йилларда биринчи тажриба тизимида ўтказилган тадқиқотларда оддий плугда шудгорланган майдонларда назорат (гербицидсиз) вариантыда ўртача ҳосилдорлик 26,4 ц/га, Стомп 33 % э.к. гербициди 2,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда 29,1 ц/га, Самурай 33 % э.к. гербициди 1,0; 1,5 ва 2,0 л/га қўлланилганда 28,9; 29,5 ва 29,4 ц/га, Зеллек супер 10,4 % э.к. 1,0 л/га меъёрда 28,7 ц/га бўлган бўлса, Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4 % э.к. (1,0 л/га) кетма-кет қўлланилганда 30,4 ц/га ташкил этган (3-жадвал).

Икки ярусли плугда шудгорланган майдонларда вариантлар орасида юқори ҳосилдорлик Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) билан Зеллек супер 10,4 % э.к. (1,0 л/га) кетма-кет қўлланилган вариантлардан олиниб, ўртача 4 йилда 31,8 ц/га ни, Стомп 33 % э.к. (2,0 л/га), Самурай 33 % э.к. (1,5 л/га) гербицидлари қўлланилган вариантларда 29,9-30,8 ц/га, гербицидсиз назорат вариантыда эса, 28,2 ц/га бўлганлиги қайд этилган (3-жадвал).

Икки ярусли плугда шудгорланган майдонларда гербицидлар самарадорлигини оддий плугда шудгорланган майдонларга нисбатан пахта ҳосили юқори бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

3-жадвал

Ерни икки ярусли ҳайдаш ва гербицидларни кетма-кет қўллашнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири, ц/га (2007-2010 йй.)

| № | Вариантлар | Гербицид меъёри, л/га | Йиллар бўйича ҳосилдорлик, ц/га | | | | Ўртача ҳосил, ц/га | Қўшимча ҳосил, ц/га | | |
|--|---|-----------------------|---------------------------------|------|------|------|--------------------|---------------------|-------------------------------------|-------------------------------|
| | | | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | | назоратга нисбатан | ерни икки ярусли шудгорлаш ҳисобига | гербицидларни қўллаш ҳисобига |
| Оддий плугда (30 см чуқурликда) шудгорлаш | | | | | | | | | | |
| 1. | Назорат (гербицидсиз) | - | 25,8 | 26,3 | 26,4 | 27,0 | 26,4 | ±0 | - | ±0 |
| 2. | Стомп 33% к.э. | 2,0 | 28,6 | 29,0 | 29,2 | 29,4 | 29,1 | 2,6 | - | 2,6 |
| 3. | Самурай 33% к.э. | 1,0 | 28,0 | 28,5 | 28,7 | 29,0 | 28,6 | 2,2 | - | 2,2 |
| 4. | Самурай 33% к.э. | 1,5 | 28,5 | 29,6 | 29,8 | 30,1 | 29,5 | 3,1 | - | 3,1 |
| 5. | Самурай 33% к.э. | 2,0 | 28,8 | 29,2 | 29,5 | 29,6 | 29,3 | 3,0 | - | 3,0 |
| 6. | Зеллек супер 10,4% к.э. | 1,0 | 28,1 | 28,7 | 29,0 | 28,9 | 28,7 | 2,3 | - | 2,3 |
| 7. | Самурай 33% к.э. +Зеллек супер 10,4% к.э. | 1,5+1,0 | 29,3 | 30,4 | 30,6 | 31,0 | 30,3 | 4,0 | - | 4,0 |
| Икки ярусли плугда (30 см чуқурликда) шудгорлаш | | | | | | | | | | |
| 8. | Назорат (гербицидсиз) | - | 27,7 | 28,1 | 28,4 | 28,7 | 28,2 | 1,8 | 1,8 | ±0 |
| 9. | Стомп 33% к.э. | 2,0 | 29,2 | 30,0 | 30,3 | 30,0 | 29,9 | 3,5 | 0,9 | 1,7 |
| 10. | Самурай 33% к.э. | 1,0 | 28,7 | 29,6 | 29,3 | 29,8 | 29,5 | 3,0 | 0,8 | 1,2 |
| 11. | Самурай 33% к.э. | 1,5 | 29,5 | 30,8 | 31,5 | 31,3 | 30,8 | 4,4 | 1,3 | 2,6 |
| 12. | Самурай 33% к.э. | 2,0 | 29,6 | 29,7 | 30,8 | 30,5 | 30,2 | 3,8 | 0,8 | 2,0 |
| 13. | Зеллек супер 10,4% к.э. | 1,0 | 29,1 | 29,4 | 29,7 | 29,7 | 29,5 | 3,2 | 0,9 | 1,4 |
| 14. | Самурай 33% к.э. +Зеллек супер 10,4% к.э. | 1,5+1,0 | 30,2 | 31,6 | 32,7 | 32,6 | 31,8 | 5,4 | 1,4 | 3,6 |

НСП₀₅= 0,18 ц/га 0,30 ц/га 0,32 ц/га 0,21 ц/га
 НСП₀₅= 3,0 % 3,8 % 3,8 % 2,5 %

